



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### ШНҚ 2.08.02-09\* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177\*-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ШНҚ 2.08.02-09\* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177\*-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.177\*. Иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун том тепасига ўрнатиладиган қуёш коллекторларини қўллаш тавсия этилади. Бунда, қуёш коллекторлари ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

Қуёш коллекторлари бино фасадларида қўлланилганда, уларни ўрнатиш учун маҳкамлаш жойлари назарда тутилиши керак.

Қуёш коллекторларини том тепасига, фасадларга ёки ер сатҳига жойлаштириш жойини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда йилнинг илиқ даврида иссиқ сув таъминотининг камида 25 фоиз миқдорини, таълим ташкилотлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари биноларида иссиқ сув таъминотининг камида 50 фоиз миқдорини қуёш коллекторларини қўллаган ҳолда қоплаш назарда тутилади.”

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қурилиш вазири**

Тошкент ш.  
2022 йил 16 август,  
145 сон



**Zakirov B. I.**

Келишилди:

**Бош директор**

Тошкент ш.  
2022 йил 15 август,

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 11 август,

**Соғлиқни сақлаш вазирининг  
биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.  
2022 йил 15 август,

**Мактабгача таълим вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 09 август,

**Vazirning birinchi o'rinbosari**

Тошкент ш.  
2022 йил 10 август,

**Вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 16 август,



**Sattarov D. N.**



**Тoшкyлов A. X.**



**Иноятoв A. Ш.**



**Shin A. V.**



**Axmedxadjayev A. I.**



**Saidov B. O.**